



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
2-сон



<b>Шахноза Махмудовна Латипова</b> Лизинг хизматларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишда қўлланилиши	74
<b>Умид Холбоевич Холбоев</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар самарадорлиги ва сифатини оширишга рақобатнинг таъсирини баҳолаш	79
<b>Нилуфар Зиябаевна Юлдашова</b> Агросервисни ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси	83
<b>Нигина Маруповна Усманова</b> Китоб савдосини самарали ташкил қилишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича айрим тавсиялар	87
<b>Фарход Анварович Сафаров</b> Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда инновацион жараёнларнинг аҳамияти	92
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Алишер Абдуганиевич Эшгаев</b> Халқаро туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унда Ўзбекистоннинг иштироки	97
<b>Shovqiddin Erkin o'g'li Abdurasulov</b> Turizm rivojlanishi sharoitida “ekologik turizm” tushunchasining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va xususiyatlari	102
<b>Ollonazar Norbek o'g'li Allonazarov</b> Mintaqada mehmonxona xizmatlari faoliyati ko'rsatkichlari tahlili	105
<b>Адхам Итолмасович Рахматов</b> Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	109
<b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Кичик тадбиркорлик ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги	115
<b>Мехрангиз Олимовна Мамаюнусова</b> Мамлакатимиз худудларида оила хўжаликларининг таркибий тузилиши ва ўзгариши билан боғлиқ масалалари	119
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Sanjarbek Komiljon o'g'li Boyjigitov</b> Marketing xizmati samaradorligini baholashning nazariy asoslari va amaliy ifodasi	125
<b>Zulfiya Musayevna Usmanova</b> Kadrlarni boshqarish mexanizmini takomillashtirish muammolari	129
<b>Кахрамон Сайдуллаевич Махмудов</b> Хизматлар сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг ўзига хос жиҳатлари	132
<b>Shokhista Bahridin kizi Turdieva</b> Specific features of the conceptual framework of social marketing	138
<b>Diyor Haqberdiyevich Xolmamatov</b> Ulgurji savdoda sotuvdan keyingi servisni rivojlantirishning marketing strategiyasi	142
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Азиза Махомадризовна Каримова</b> Оценка современного состояния рынка и условия кредитования субъектов туристических услуг Республики Узбекистан	148

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

УДК: 334.012 64:938.24

Юлдуз Пирназаровна Урунбаева – СамИСИ доценти, (PhD)

## КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ: ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

**Аннотация:** мақолада кичик тадбиркорлик ва аҳоли турмуш даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги, жойларда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг назарий ва методологик муаммолари, Ўзбекистон Республикасида кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришнинг худудий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ўсиб бориши ички бозорни сифатли ва рақобатбардош товарлар билан тўлдиришнинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳаси кенгайиши масалаларига, янги иш ўринлари яратишда, аввало, ёшларни иш билан таъминлашда ва шу асосда аҳоли даромадлари, турмуш фаровонлигини оширишда ушбу секторнинг ўрнини таҳлил қилишга бағишланган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ҳимоя, бандлик, ишсизлик, инновацион иқтисодиёт, бозор конъюнктураси, янги иш ўринлари, аҳоли даромадлари.

**Кириш.** Кичик тадбиркорлик узоқ даврлар мобайнида инсон хўжалик фаолияти ва унинг ижтимоий ҳаётининг таркибий қисми ҳисобланган. Қадим замонлардан кичик тадбиркорликнинг ижтимоий-жамоа институти сифатида, инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳамда фойдали фаолият сифатида мавжудлиги – буларнинг барчаси биргаликда инсоният жамияти ва турмушининг зарурий шарти ҳисобланиб келинган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан кичик тадбиркорлик жамиятнинг ривожланиш даражасини нафақат унинг ишлаб чиқариш кучлари нуқтаи назаридан, балки маънавий ва маърифий ҳолатини инобатга олган ҳолда эгаллади, десак, хато бўлмайди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Буюк иқтисодчи А.Смит тадбиркорни фойда олиш учун бирон-бир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида таваккалчилик билан иш кўрувчи мулкдор деб тавсифлайди<sup>1</sup>. Лекин тадбиркорликнинг муайян тартибга келтирилган илмий назарияси француз иқтисодчиси Р. Контиллион томонидан 1725-1730 йилларда яратилган. Бу соҳада Р.Контиллионнинг хизмати шундаки, у тадбиркорликнинг биринчи концепциясини яратди ва “тадбиркор” тушунчасинининг моҳиятини очиқ берди.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида ахборотларга асосланган мантиқий таҳлил усуллари қўлланилди. Бунда билиш назариясининг индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез каби услубларидан ва ёндошувларидан ҳам фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Дунё мамлакатларининг илғор тажрибаси шундан далолат берадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ижтимоий тараққиётига катта ижобий таъсир кўрсатиб, миллат иқтисодиётининг самарадорлигини сезиларли даражада оширади<sup>2</sup>. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ижтимоий тараққиётидаги алоҳида, ўзига хос аҳамияти шундан иборатки, у аҳоли даромадларининг шаклланишида, меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлашда, қашшоқлик ва ночорликни бартараф этишда, ўрта ҳол аҳоли қатлами сафларини кенгайтиришда, ҳақиқий ишбилармонларни рўёбга чиқариш муаммосини ҳал этишда аҳолининг турли-туман

<sup>1</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. Е.М. Майбурда. М.: 1993. 150 б.

<sup>2</sup> Дарҳақиқат, «2019 йилда Европа давлатларидан Италияда 3,7 млн., Францияда 2,8 млн., Испанияда 2,5 млн. ва Германияда 2,3 млн. та КБХТ субъектлари фаолият кўрсатди». «ЕИда барча компанияларнинг 99 фоизи ва иш ўринларининг 85 фоизи, ХХР барча компанияларининг 97,9 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 58 фоизи, экспорт ҳажмининг 68 фоизи КБХТ улушига тўғри келади». Шунингдек, «Чехияда ҳар 100 кишига ўртача 9,4 Португалияда 7,7 Швецияда 6,7 Италияда 6,1 Испанияда 5,3 Францияда 4,4 Германияда 2,9 Россияда 2,0 АҚШда 1,3 кичик бизнес субъектлари тўғри келади». Бугунги кунда кичик бизнес янги ишчи ўринларини яратишга кенг имкониятлар яратмоқда. Янги иш ўринларининг яратилиши бу аҳоли бандлиги демакдир, аҳоли бандлиги – аҳоли турмуш даражасининг асосий мезонидир.

товарлар ва хизматларга бўлган талабларини кондиришда муҳим рол ўйнайди. У инсоннинг яхши ва фаровон турмуш кечирishiга бўлган табиий интилишлари билан унинг ўзида мужассамлашган потенциал имкониятлари ва салоҳияти ўртасида бевосита боғлиқликни таъминлаш асосида барча социал гуруҳларни қаноатлантирадиган ижтимоий муҳит туғдиради, шахс, давлат ва жамият иқтисодий манфаатларини уйғунлаштиради ва, шу тариқа, жамиятда ижтимоий адолат ва сиёсий барқарорлик ўрнатишга кўмаклашади. Унинг мамлакат иқтисодий юксалишидаги аҳамияти эса ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ва ўсиш суръатларининг жадаллашувида (мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда), бозорда рақобат муҳитини кучайтиришда, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини шакллантиришда, беқарор бозор тизимининг мослашувчанлигини оширишда, илмий-техника тараққиётини янги марраларга олиб чиқишда, йирик корхоналарга керакли маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш орқали уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлашда, янги иш ўринларини яратиш, ресурслардан унумли фойдаланиш, давлат бюджети даромадларини кўпайтириш кабиларда ўз ифодасини топади.

Мамлакатнинг постиндустриал жамият сари юксалиб бориши миллий иқтисодиётда ўзига хос таркибий ўзгаришларни тақозо этади. Ушбу жараёнлар айниқса қишлоқ хўжалигида муаммоли ва оғир кечди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳам худди бошқа соҳа ва тармоқ тадбиркорлари сингари кескин рақобат муҳитида табиий равишда ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймасликка мажбур. Қишлоқ жойларда иқтисодий ислохотлар натижаси бўлган бундай ўзгаришлар ушбу тармоқда режали, маъмурий-буйруқбозлик тизим даврида ортиқча банд бўлган меҳнат ресурсларининг бир қисмини қисқартириш, яъни уларни ишдан бўшатиш муаммоларини келтириб чиқарди. Бу жараён эса, ўз навбатида, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш муаммоларини кескинлашгирди. Реал воқелиқда юзага келган бундай мураккаб ва долзарб муаммони ҳал этишнинг асосий йўли – кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай масъулиятли вазифани ушбу секторгина ўз зиммасига олади.

Бундан ташқари, кичик тадбиркорлик субъектлари истеъмол талабининг ўзгаришларига ҳаммадан тез мослашади, бозор конъюнктураси ва вазиятнинг тебранишларига мувофиқ тарзда ўз фаолияти йўналишини тез ва нисбатан асоратсиз ўзгартира олади. Кичик тадбиркорликнинг ўзига хос устунликларидан яна бири шундаки, у ўз фаолиятини ташкил қилиш учун камроқ ресурс талаб қилади ва банкрот бўлган ҳолда жамият учун талофатли иқтисодий оқибатларга олиб келмайди. Кичик корхоналарда ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларида фаолият олиб бориш учун ишчи ва хизматчилардан жуда юқори малака ва катта тажриба талаб қилинмайди.<sup>1</sup> Кичик ва хусусий тадбиркорлик тармоқлараро ва минтақалараро рақобатни кучайтириш асосида ишчи кучини оқилона жойлаштириш ва минтақавий тафовутларни юмшатиш, мамлакатда мулкдорлар қатламини яратиш, мамлакат экспорт салоҳиятини кўтариш муаммоларини ҳал этишда жуда катта ижобий рол ўйнайди. Бир қатор манбаларда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг айнан қишлоқ жойларида унумли ва моҳирона фойдаланиш мумкин бўлган бир қатор ўзига хос устунликлари борлиги асослаб берилган.

Биз ҳам кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақти-вақти билан иқтисодиётда бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тез мослаша олиши, қолаверса мамлакатнинг келажаги, унинг жаҳон иқтисодий интеграцияси ва халқаро меҳнат тақсмотида туган ўрни, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг дунё бозоридаги рақобатбардошлиги, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ҳолати ҳамда ривожланиш даражаси билан узвий боғлиқлигига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

### **Хулоса ва таклифлар.**

1. Миллий иқтисодиётни диверсификациялаш макроиқтисодий сиёсат контекстида

<sup>1</sup> Йирик корхоналарда эса ишлаб чиқариш жараёнида мураккаб техника ва технологияларнинг қўлланилиши, меҳнат жараёнларининг ўзаро узвий боғлиқлиги ва юқори интенсивлиги, ишлаб чиқаришнинг кўлами ва ҳаказолар ишчи ходимлардан алоҳида малака, интизом, тажриба ва бошқа жиҳатларнинг мавжуд бўлиши қатъий талаб қилинади.

кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналар ишлаб чиқаришни тор соҳалар бўйича ихтисослаштириш чуқурлаштириш имконини беради. Ишлаб чиқариш ҳажми кичик ва молиявий мустақамлик даражаси юқори бўлмаганлиги сабабли ўз иқтисодий мавқеини мустақамлашга бўлган табиий интилиш кичик ва хусусий тадбиркорларни кескин рақобатга ундайди, барча мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланишни тақозо этади. Ўзининг бозордаги мавқеини йўқотмаслик ва рақобат курашида мағлубиятга учрамаслик учун товарлар ва хизматлар турларини кенгайтириш, уларнинг сифатини ошириш, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, янги бозорлар излаб топиш, фан ва техника соҳалари ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишга интиладилар. Бундай стратегияни амалга ошириш учун катта маблағ ва кучлар талаб қилинмайди, муҳими буни қисқа бир муддатда, ишлаб чиқаришни тўхтатмай, асоратсиз амалга ошириш мумкин.

2. Кичик корхоналарда истеъмолчи талабларининг ўзгариши, буюртмага қараб ўзининг янги маҳсулот турини ишлаб чиқаришни тезлик билан йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади. Ўзбекистон ички бозори кейинги йилларда янги товар ва хизмат турлари ҳисобидан тўхтовсиз кенгайиб, бойиб бормоқда. Шунга мос тарзда истеъмолчилар талабининг таркиби тубдан ўзгармоқда, янги товар ва хизматлар турларига талабнинг ҳажми ўсиб бормоқда. Бундай ўзгаришларга йирик корхоналар, компаниялар бир томондан тез мослаша олмайдилар. Иккинчи томондан катта молиявий ресурсларга эга бўлган бу тоифадаги корхоналарда кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқаришга қизиқмайдилар. Бу оғир вазифани молиявий жиҳатдан имконияти анча заиф бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари яхши уदдалайди.

3. Кичик корхонанинг ишлаб чиқаришни эгилувчан тарзда ташкил этиш, бозор талаблари ва вазиятга мувофиқ маҳсулот ўз вақтида, кечиктирмасдан сотувга чиқариш, маркетинг хизматларидан кенг фойдаланиш имкониятлари йирик корхоналарга нисбатан кўп. Улар (кичик корхоналар) аҳолини ноанъанавий қисқартирилган иш вақти асосида меҳнатга жалб этишнинг қулай шакли бўлиб майдонга чиқади. Иқтисодиётда банд бўлганлар, нисбатан ортиқча бўлиб турган ишчи кучини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишнинг, яъни ишсизликка қарши кураш олиб боришнинг ўзига хос, самарали воситаси ҳисобланади.

4. Кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлик субъектлари тадбиркорликнинг ўзига хос мактаби, аниқроғи келажакда йирик корхоналарда ишлаш ва уни бошқаришнинг сир-асрорларини ўрганиш, амалда тадбиркорликнинг ҳаётий сабоқларидан дарс олиш, тажриба ортириш вазифасини бажарадилар. Айниқса, фан ва техника тараққиёти соҳасида фаол ишлаётган хўжалик субъектлари ишчи-ходимлари, мутахассислари учун ижодий ишлаш ҳамда келажакда бу имкониятларни юқори даражада автоматлашган йирик ишлаб чиқаришга жорий этиш учун яхши база яратилади. Ушбу сектор субъектлари ҳар қандай шахсда мужассамланган тадбиркорлик қобилиятини рўёбга чиқариш, уни бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларга талабчанлиги кам. Чунки ушбу субъектлар фаолияти учун зарур бўлган кичик ҳажмдаги бино ва иншоотларни тез ва қисқа муддатда нисбатан кам молия ресурсларини сарфлаб амалга ошириш, кўп ҳолларда эса тайёр, бирон ишлатилмай турган бино ва ускуналарни ижарага олиш ҳисобидан амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Бундан ташқари, оборот маблағларининг айланиш тезлиги ҳам йирик корхоналарга нисбатан анча юқори. Бу омиллар асосий ва айланма маблағлар самарадорлигини ошириш ҳамда дастлаб авансланган капитал сармояларни нисбатан тез қоплаш учун реал шароит яратиб беради. Натижада ушбу секторда яратиладиган ҳар бир иш ўрнининг нисбат қиймати сезиларли даражада арзонга тушади. Янги иш ўринларига эҳтиёжи катта бўлган айни бир пайтда иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга оширилаётганлиги сабабли молиявий ресурслар танқислиги муаммоси мавжуд бўлган Ўзбекистон учун жуда катта амалий аҳамиятга эга.

6. Кичик тадбиркорлик мамлакатда ижтимоий йўналтирилган ва аҳоли кенг қатламлари манфаатларини ўзида акс эттирадиган бозор иқтисодиётини шакллантириш стратегиясини амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. У бозор муносабатлари ҳукмронлик қилган жамиятда мулкчилик муносабатларини мустақамлаш,

ўрта қатлам сафларини кенгайтириш муаммоларини иқтисодий методлар билан ҳал этишда муҳим ўрин тутади. Тадбиркорлик кишиларда мулкни қадрлаш, исрофгарчилик ва ортиқча, ўзини оқламайдиган сарф-харажатларга йўл қўймаслик, иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиш маданиятини шакллантиради.

7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли кенг қатламларининг, аниқроғи тадбиркорлик ҳаракат ва интилишларини рўёбга чиқаришга шароит туғдириб беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун катта жамғарма ёки молиявий ресурслар талаб этилмайди. Озгина кредит (микрокредит) ижарага олинган бино ёки ускуналар билан уни бошлаб юбориш мумкин. Бундай имкониятнинг мавжудлиги мулк билан меҳнат ўртасидаги, мулкдорлар синфи билан аҳоли ўртасидаги иқтисодий зиддиятларни юмшатишга ёрдам беради.

8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йирик корхоналарни бутловчи материаллар билан таъминлаш, уларни эҳтиёт қисмларини етказиб бериш йўли билан йирик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга амалий ёрдам берадилар. Кичик тадбиркорлар йирик ишлаб чиқарувчиларни иккинчи даражали, яъни йирик ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан катта самара бермайдиган ишлардан озод этадилар. Бунинг эвазига йирик корхоналар фаолияти самарадорлиги ошади.

Умуман олганда кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун замин туғдиради, шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Зарафшон, 2017 йил 23 декабр, 157-сон.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодий университетини. – Т.: “Маънавият” нашриёти, 2017.
3. Мухаммедов М.М., Урунбаева Ю.П. Кичик тадбиркорлик ва қишлоқ аҳолиси бандлиги. Монография. - Самарқанд: “Зарафшон” 2014. - 132 бет.

<p style="text-align: center;"><b>Ю.Урунбаева</b></p> <p><b>Малый бизнес и уровень жизни: отношение</b>  <b>Аннотация:</b> в статье рассмотрены взаимосвязь малого предпринимательства и уровня жизни населения, теоретико-методические проблемы повышения уровня жизни населения, региональные аспекты и особенности развития малого и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. Рост доли малого бизнеса и частного предпринимательства с учетом современных требований наполнения внутреннего рынка качественными и конкурентоспособными товарами, расширение сферы услуг, создание новых рабочих мест, в первую очередь занятости населения. молодежи, и на этой основе анализу роли данного сектора в повышении доходов и благосостояния населения.  <b>Ключевые слова:</b> малый бизнес, частное предпринимательство, уровень жизни населения, социальная защита, занятость, безработица, инновационная экономика, рыночная конъюнктура, новые рабочие места, доходы населения.</p>	<p style="text-align: center;"><b>Yu. Urunbaeva</b></p> <p><b>Small business and living standards: the relationship</b>  <b>Abstract:</b> the article describes the interrelationship between small entrepreneurship and the standard of living of the population, theoretical and methodological problems of raising the standard of living of the population, regional aspects and specific features of the development of small and private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan. The growth of the share of small business and private entrepreneurship, taking into account the modern requirements of filling the domestic market with high-quality and competitive goods, the expansion of the service sector, the creation of new jobs, first of all, the employment of young people, and on this basis, the role of this sector in increasing the income and well-being of the population devoted to analysis.  <b>Key words:</b> small business, private entrepreneurship, standard of living of the population, social protection, employment, unemployment, innovative economy, market conjuncture, new jobs, income of the population.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023